



## ГИРДОБДАН КИМ ҚУТҚАРАДИ?

«Поста» рўзномасининг 4 апрель кунги сонидида Т. Тўлагановнинг «Гирдоб» сарлавҳали мақоласини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим.

Дарҳақиқат, муаллиф таъкидлаганидек, ДХҚ (давлат хавфсизлиги қўмитаси), ИИВ, суд ва прокуратура идораларининг мамлакатдаги жиноятчиликка қарши муросасиз кураш олиб боришига қарамадан бу иллат йилдан-йилга ривожланмоқда. Кенг жамоатчиликнинг жиддий ташвиши ҳам шундан. Ҳатто кейинги йилларда ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган бир қанча қарорлар кўзда тутилган натижаларни бермаётганлиги кўпчиликини ташвишга солиб қўймоқда.

Хўш, бунинг сабаблари нимада?

Аввало шунга айтиш керакки, ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари фаолияти ҳанузгача кенг жамоатчилик учун «очилмаган кўриқ» бўлиб қолаётган. Ҳатто «Поста» рўзномамиз ҳам бу ҳақда кам ёзади. ИИВ ахлоқ тузатиш ишлари бошқармасининг «Вақт» — «Время» рўзномаси жуда кам нусхада чоп этилади, айни пайтда муассасаларга тарқатиш билан тамом бўлади. Кўраясизки, тиканли сим ортидаги адашган тақдирлар ҳақида одамлар миш-мишлардан ўзга ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслар.

Иккинчидан, кейинги пайтларда, айниқса, 1986-1987 йилларда юмшоққина ўриндиқда ўтирган кўйи фақат буйруқ чиқаришга ўрганиб қолган баъзи раҳбарларнинг «инсонпарварлик» нуқтаи-назаридан «оқ фотиҳа» беришлари туфайли мамлакатдаги юзлаб ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари тугатилди ёки тарқатиб юборилди. Бунинг оқибатида анчагина ашаддий жиноятчилар озодликка чиқиб кетган бўлса, бошқа томондан қараганда ана шу муассасаларнинг минглаб тажрибали ходимлари ички ишлардан мажбуран кетишга ёки ўз хизматларини ўзгартиришга мажбур бўлишди.

Айни кунларда биз Т. Тўлаганов таъкидлаганидек, маҳбусларни «фақат ишлатиш» билангина чеклаиб қолмапмиз. Балки улар билан дон-

ми равишда таълим-тарбия ишларини олиб боришга ҳаракат қилаёلمиз.

Аммо, муаллиф айтмоқчи, масаланинг бошқа чигал томони ҳам бор. Энг аввало маҳбус озодликка чиққач, қайта жиноятга қўл урмаслигига кафилик бера олиш учун жиноят ва ахлоқ тузатиш мажмуаларини такомиллаштириш лозим. Қолаверса, ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасасидан қўтилиб чиққан шахс маҳаллий ИИВ томонидан қатъий назоратга олинishi шарт. Токи у япаш жойига қайд этишда (прописка) ва ишга жойлашишда қонунларда кўрсатилмаган, лекин амалда мавжуд бўлган тўсиқларга дучор бўлмасин. Ваҳоланки, ҳозир бундай бўлмапти, жазо муддатини ўтаб келган шахснинг кейинги тақдири ҳеч кимни қизиқтирмапти. Улар бирор фойдали меҳнат билан шуғулланиш мақсадида минг бир эшикка кириб чиқмоқдалар. Лекин ҳамма жойда «ижтимоий хавфли» одам учун дарвозалар тақа-тақ берилган. Ана шундай сансалорлик туфайли асаблари ётовланган собиқ маҳбус яна қайтадан суднинг қора курсисига ўтирипти.

Қайта қуриш, ошқоралик ва демократия туфайли мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуришга, фуқароларимиз ҳуқуқларини БМТ инсон ҳуқуқлари декларациясидаги умуминсоний қадр-қиммат билан тенглаштиришга ҳаракат қилинмоқда. ССЖИ ИИВнинг ўтган йилги бутуниттифоқ ахлоқ тузатиш системаси дастури фикримизга яққол далилдир.

Ушбу ҳужжатда бу ишларни тубдан ўзгартириш, жумладан, ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси муҳим бўлини ҳисобланган отряд жамоасининг роляни кўтариш, келгусида отрядларни маҳбусларнинг ёши, тиббий, жинсий хусусиятлари ва белгиларига қараб тузиш ва айни пайтда отряд раҳбарияти таркибига ҳуқуқ-тартибот, назорат ҳамда ишлаб чиқариш ходимларини киритиш кўзда тутилган. Қолаверса, отряд бошлиқларини тайинлашда уларнинг моддий ва маънавий ҳуқуқларини кенгайтириш билан бир қаторда бу соҳада маълум иш стажини,

махсус ва педагогик маълумоти бўлган кишиларга кўпроқ аҳамият бериш, маҳбусларни қайта тарбиялашда хорижий ва мамлакатимиз педагогларининг тажрибаларидан кенг фойдаланиш зарурлиги айтилади.

Яна кўрсатиб ўтилганки, маҳбуслар ўртасида таълим-тарбия ишларини тубдан яхшилашда уларнинг ёши, дунёқарашини ҳисобга олиб, турли тўғарақлар ташкил этиш, пировард натижада жамият учун фойдали шахс сифатида очилликка чиқаришда касба уюшмалари, комсомол ва фирқа ташкилотлари масъулиятини ошириш керак. Бу борада имон ва эътиқод тимсоли бўлмиш диндорлар хизматидан, овознигор (радио) ва ойнаи жаҳон (телевидение) имкониятларидан фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Ҳаттоки, ҳужжатда кўрсатилгандек, марказий ойнаи жаҳоннинг биринчи дастури бўйича «Муассаса» кўрсатуви ташкил этилса, вояга етган маҳбуслар учун санкиз йиллик мажбурий, сиртдан ўрта махсус ва олий таълимни ихтиёрий равишда жорий этиш ҳам кони фойдадир. Худди шунингдек, маҳбусларнинг ҳудудий, миллий эътиқоди ва касбига қараб норасмий уюшмаларга аъзо бўлишларига рухсат бериш режалаштирилган.

Лекин афсуски, ушбу дастурда ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари ходимлари ҳаёти, иш фаолиятини такомиллаштириш, маданий савияси ҳамда сиёсий билимини ошириш, маиший муаммоларини ҳал этиш ҳақида бирорта жумлаи тополмаймиз.

Энг ачинарлиси шунданки, аввал жумҳуриятимизда, кейин иттифоқ бўйича қабул қилинган қонунларда ҳам бу ҳақда деярли бирор фикр айтилмаган.

Доню халқимизда ибратли нақл бор: қарс икки қўлдан чиқади. Демак, маҳбусларни қайта тарбиялашга такомиллаштириш жараёнида доимо хавф остида ҳаёт кечирадиган ходимлар ҳақида ҳам ғамхўрлик қилиш керак. Шундагина гирдобдан чиқишимиз мумкин.

**Чори САТТОРОВ,**  
ички хизмат капитани,  
Қарши шаҳри.



САДОҚАТЛИ  
ЕРДАМЧИЛАР  
МУСОБАҚАСИ

Ешлигидан қўлга ўргатилган ит инсонга садоқат билан хизмат қилади. ИИВ жиноят қидирув бўлимидаги ходимлари ҳам ўзларининг сермашаққат, хатарли соҳаларида хизмат итларига таянадилар.

Жиноятчилар изидан тушиб, уларни қўлга олишда ақлли жониворларнинг ҳиссаси катта.

Пойтахтимизда 13 май кунини бошланган жумҳурият ички ишлар идоралари таркибидидаги жиноят қидирувнинг милиционер-кинологлари мусобақасида кўпгина хизмат итлари қатнашапти.

Кўрик бугун якунланади. Гойиблар билан рўзномамизнинг кейинги сонидида таништирамиз.

**СУРАТДА:** мусобақа пайти.

**Ҳабибулла ШОДИЕВ**  
олган сурат.

«02»

## ХАБАРЛАРИ

ГУДАК ҚУЛИДАГИ  
МИЛТИҚ

Болани эркатлаш, унинг майлига қарайвериб оқибати ҳаминча ҳам яхшилик билан тугавермайди. Яқинда Янгиер шаҳридаги Весна кўчасида яшовчи 6 ёшли А. Ямалиев отасига қарашли милтиқни ўйнаётиб, тасодифан тепкини босиб юборди. Гумбирлаган ўқ овози тинартинмас боланинг онаси — 41 ёшли ўй бекаси М. Ямалиева чиқиб қолди. Чунки ўқ унинг бўйнидан яралаганди.

«ОДОБЛИ»  
БОСҚИНЧИЛАР

Одам бор жойга одам келади. Шунинг учун эшик қўнғироқлари иқринглайверади. Лекин уни ҳаммага ҳам лаг очавериб бугунга тўғри келмай қолди. Чунки қўнғироқ тугмачасини босаётган қўллар орасида тозаси бор, эгриси бор. Яқинда Тошкент шаҳар Қўйлиқ—6 даҳасида яшовчи Т. Клюкина уйига уч номаълум киши одоб билан эшикни тақиллатиб киришди. Хонадон соҳибаси нима хизмат борлиги ҳақида энди оғиз очмоқчи эди, «меҳмонлар» илғоқ ва қирқна милтиқ ўқталиб, мақсадларини яшириб ўтиришмади. Ҳаш-наш дегунча уни ва эрининг қўлоғини боғлаб, уйдаги «Электроника-ВМ» видеомагнитофони, «Шарп» магнитофони, 900 сўм пул, минг сўмлик тилла заём, 10 хил заргарлик буюмлари ва 4 хил кийим-кечакларни олиб кетишди.

Ғ. ТЕМИРОВ.

Ташқи кўринишиндан жуда эскириб қолган, аммо ичкарисига қарасанг, нақ дўкон омборхонасига қибеласа бўлади, ёнбошига 510829520 рақамлари ёзилган контейнер олдида 5-6 формали-формасиз кишилар куймаланишар, нималариндир ёнб, чизшарди.

... Талъат Исаев яқин-яқингача Шаҳрисабзда истиқомат қиларди. Лекин нимадир сабаб бўлди-ю, «ҳайё-ҳуйт» деб Қрим вилоятининг Уваровка қишлоғига кўчиб кетди. Узику кетишга кетди, аммо Шаҳрисабзда қолган юкларини қандай қилиб олиб кетсин? Ахир, озмунча нарсалари қолганми «у ёқда»? Шу ўй-хаёллар билан «қадрдон Ватан»га келди. Унга

## ТУЗИНИ ИЧИБ...

мурувват кўрсатишиб, алоҳида контейнер ажратилди. Омади чопган Т. Исаев темир изда шай турган «араваси билан 14 март кунини жўнаб кетмоқчи эди. Лекин... Темир йўл транспорти Кироб бекатидаги милиция бўлимига бошлиғи, милиция майори Ғайрат Дўстмуродов, милиция нагга лейтенанти Муҳаммад Ғонповлар бир неча кишилар ҳамроҳлигида текширув ўтказиш учун контейнер эшигини очдилар ва...

«...1) «Цебо» фирмасида ишлаб чиқарилган 35 жуфт

- оёқ кийими;
- 2) Олмония жумҳуриятининг маҳсулоти бўлган 9 жуфт костюм-юбка;
- 3) 60 дона аёллар сочбўёғи;
- 4) 33 дона болалар шампуни;
- 5) 28 дона «Ассал» духиси;
- 6) 62 дона «Эллузия» дезодоранти;
- 7) 9 қути хитой тушён-каси;
- 8) 175 пачка «Полёт» сигаретаси;
- 9) 11 дона енгил марка-

даги автомашина шинаси...» ва бу рўйхатни 102 рақамига етказишди.



Шу ерда савол туғилади: дўкон пештахталарида бўрон гувиллаб турган, ойликни ойликка қўшиб қийин бўлиб қолган бир пайтда бунча нарсани Талъат Исаев қаердан олди экан?

Шу пайтгача шу шаҳарнинг нонини еган, шу шаҳарнинг тузини ичган Т. Исаев охири-оқибатда тузлуққа тушуриб кетмоқчи бўлибди. Аммо у «бойлик»ларини тинчгина олиб кета олмади, қолаверса, ўзи ҳам бир неча кунга «меҳмон» бўлиб турадиган бўлди.

**Эркин САТТОРОВ,**  
«Поста» мухбири.

БУГУН—ХАЛҚАРО МУЗЕЙЛАР КУНИ

ЎТМИШГА ОШНО ЭТИБ



Илдиздан узилган дарахтнинг кўкариши ақлга сиймайди. Ўтиб бораётган ҳар бир кун эртага биз учун ўтмишга — илдизимизга айланади. Кеча қандай эдик, ундан олдинчи? Булар ҳақидаги муфассал маълумотлар билан музейларда танишиш мумкин.

«ЎзССЖ ИИБ шон-шўрат музейи менда жуда катта таассурот қолдирди. Ушбу музей дурдоналари чиндан ҳам ўзбек шўро милицияси босиб ўтган шонли йўлдан ҳикоя қилади. Азим НЕЪМАТЖОНОВ, ССЖИ Рассомлар уюмаси аъзоси. Фарғона

виллояти». «Биз, Тошкент шаҳридаги 242-мактабнинг 11 «б» синф ўқувчилари музейга экскурсия ташкил қилдик учун ЎзССЖ ИИБ ходимларига миннатдорчилик билдираимиз. Бизга унинг экспонатлари ниҳоятда ёқди». Бу сатрларни Ўзбекистон

жумҳурияти ИИБ ҳузуридаги ўзбек шўро милицияси тарихи ва шон-шўратининг халқ музейи эсдалик китобида ўқидик. Дарҳақиқат, ўтган йилнинг май ойида экспонатлари ва кўргазма заллари янгиланган музей ташриф буюрувчиларни тарихий воқеалар гирдобига ташлайди, ўша давр нафасини ҳис қилдиради.

— Экспонатларимиз кун сайин ортиб бормоқда, — дейди музей бошлиғи милиция подполковниги Мирзаназар ака Каримов. — Бир йил ичида 200 донага кўпайиб, салкам 7 мингга етди. Мана кун кеча 1705 йили Россияда ишланган қора милтиқни топишишди. Уни неча йиллардан бери милиция фахрийси 90 ёшли Ориф ота Обидов асраб келган.

Музей бошлиғи тақдим этган рўйхатга кўз югуртираман. Истеъфодаги милиция подполковниги Мейрмон Кенжабоев асримиз бошида ишланган «Берданка» милтиғини музейга келтирибди. Тошкент шаҳар ИИБ ЖҚБ собиқ ходими Григорий Ропский оиласи марҳумнинг икки жилдлик хизмат хотираларини топишди. Музей экспонатларини бойитишда фуқароларнинг ҳам иштироки катта. Масалан, яқинда «Ўзбекхроника» студияси ижодкорлари «Тиним билмас побонлар» деб номланган ва милициянинг машаққатли фаолиятини акс эттирувчи ҳужжатли фильмни совға қилишди.

Сўхбатга яна Мирзаназар акани тортаман.

— Бошқа музейлар билан ҳам алоқа боғлаб турасизларми?

— Албатта, агар музей ўзининг доирасида сиқилиб қолса, ҳар қанчалик яхши бўлган тақдирда ҳам, доний томошабинларни зериктириб қўйиши мумкин. Шунинг учун биз пойтахтдаги тасвирий санъат, жумҳурият комсомоли, Туркистон ҳарбий мавзеси музейлари билан ўзаро экспонат алмашиб тура- миз. Шунингдек, виллоят ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги музейлар билан ҳам алоқамиз жуда яхши.

Қўшимча қилиб шунини айтиш мумкинки, ИИБ музейи милиция фахрийлари ва ёш милиционерлар ўртасида турли-туман тадбирларни ўтказиш ташаббускори ҳам бўлиб чиқмоқда.

Ғ. ЖҲРАЕВ.

СУРАТЛАРДА: милиция подполковниги (чапда) М. Каримов музейга ташриф буюрганлар билан; намоён эътилоф қуроолар, жанговар орденолар. Ҳабибулла ШОДИЕВ олган суратлар.

ПАДАРКУШ

Навойи номли жамоа ҳўжалигида қотиллик содир этилди. Бу хабарни эшитган оператив-тергов гуруҳи аъзолари зудлик билан воқеа рўй берган жойга отландилар. Лекин Исмоиловлар хонадонида ҳеч ким йўқ. Осоишталик. Ҳамма хоналар синчковлик билан кўздан кечирилди. Ниҳоят, ертўлада кўрпага ўраб ташланган жасад топилди. Бу шу хонадон соҳиби — 1933 йилда туғилган Исроиҳ Исмоилов эди. Экспертиза аввал марҳумнинг баданига ўроқ билан жароҳат етказилганини, кейин сим билан бўйнидан бўғилганини аниқлади.

Қўшниларнинг кўрсатма беришларича, фалокат содир этилган кунни уйда марҳум ва унинг ўғай ўғли Ноил Файрузов бирга бўлишган экан. Лекин ота ўлимида ўғилдан гумон қилишга дастлаб ҳеч ким ботинмади.

Тақдирнинг шафқатсизлигини қарагки, воқеалар ривожини ўғай фарзанда бориб тақалаверди. Қолаверса, Ноил негадир қочиб юрар, тутқич беришни, афтидан, хоҳламасди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари милиция полковниги Турсунбой Раҳмонов бу ишнинг ипидан-игнасиғача ўрганиш бўйича ҳамкасблари иштирокида пухта режа тузди. Операцияга раҳбарлик қилишни ўз зиммасига олди.

Орадан кўп ўтмай участка вакиллари — милиция лейтенанти Ғуллом Холтўраев, милиция кичик лейтенанти Ибодулла Турсунов, оператив навбатчи милиция катта лейтенанти Раҳматулла Суяров, ДАН ходими милиция катта сержанти Ербек Бургатов, кўнгилли халқ дўруначиси Абдиқул Жўраевлар ҳамкорлигида қочоқ фарзанд қўлга олинди. 21 ёшли Ноил қўлини қонга бўяганига иқрор бўлди.

Дастлабки тергов жараёнидаёқ у марҳум отаси билан тез-тез жанжаллашиб туришларини, унинг насихатлари ўзига ёқмаслигини айтиб берди.

— Мени шайтон йўлдан оздирди, — деди у кўзларини ерга қадаб. — Пул сўрасам, бермади. Кейин...

...Кейин ваҳшиёна қотилликка қўл урди. Айбини яшириш мақсадида жасадни ертўлага яшириб қўйди.

Жиноятнинг қолган тафсилотлари тергов давомида аниқланади.

Ҳ. БОЛТАБОВЕВ, Гулистон тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция капитани.

БИР ЯРИМ СОАТДА

Шу йилнинг февраль ойида Сирдарё виллоятининг Комсомол туманидаги жамоа ҳўжаликларидан бирида яшовчи Н. исмли фуқаро номалум шахс томонидан туналагани айтиб ИИБга мурожаат қилди. ЖҚБ вакили Д. Қолдибеков, участка вакили А. Маматов, терговчи А. Акрамовлар ушбу жиноятни 1,5 соат ичида очинишга муваффақ бўлишди. Р. исмли шахс устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

Р. ШОМУҲАМЕДОВ.

ҚАЛБАКИ

ГУВОҲНОМА

Шу йил 26 апрель кунин Фрунзе тумани ИИБ ДАН ходимлари милиция кичик лейтенанти А. Ортиқов ва милиция кичик сержанти Ю. Федоришевлар Тошкентнинг Бобур кўчасида хизматини давом эттиришгаётган эди. Бир пайт юқори тезликда келаётган Н 645214 рақамли «ВАЗ-2105» белгили машинани кўришди ва тўтатишди. Чет эл фуқароси, Тошкент Давлат дорулфунуни филология куллиёти талабаси Протанс Мухирва ўзини хотиржам туттишга уринганча ҳайдовчилик гувоҳномасини йўл назоратчиларига узатди. Лекин улар гувоҳномани эгасига эмас, балки Фрунзе тумани ИИБ тергов бўлимига топширишди. Чунки бу ҳужжат қалбаки экан.

Бахтиёр ЭРМАТОВ, милиция майори.

ХУШЕРХОНА «МЕҲМОН»ЛАРИ

Маълумки корхона, муассасаларнинг раҳбарлари режа ва топшириқларни бажариш учунгина жавобгар эмаслар. Улар ўзларига бириктирилган жойда соғлом муҳитни юзага келтирмас эканлар, ҳеч қачон ижобий натижаларга эриша олмайдилар. Интизом — бош мезон. Шундай экан бир пайтлар шов-шувга сабаб бўлиб, ҳозирда эса унутилиб юборилган бу долзарб мавзуга яна қайтиш айни муддао бўлур эди. Гап шундаки, иш жойларида ичкиликбозлик ҳам авжига чиқмоқда.

Кечки томон ишдан ҳориб уйига қайтаётган кишилар учун гандираклар кетаётган ичкиликбозни кўриш оддий ҳолга айланиб қолган. Лекин бунинг ажабланишли жойи шундаки, иш вақти эндигина тутаган бу пайтда улар қандай қилиб ичиб олишга улгурдилар экан? Эҳтимол дастгоҳлар панасида нафсларини қондиргандирлар? Ҳар нима бўлганда

ЛОҚАЙДЛИК

ҳам улар кўпинча уйларига етиб бора олмаяптилар. Яъни тиббий хушёрхонада тунашларига тўғри келмоқда. Кейин эса уларнинг иш жойларига — бошлиқлари номига билдириш хати жўнатилмоқда. Албатта, ичкиликбозни муҳокама қилишни назарда тутиб. Афсуски, ҳар доим ҳам бундай хатларга жавоб қайтавермайди. Фақатгина Тошкент шаҳар Сирғали тумани ИИБга қарашли тиббий хушёрхонада бундан икки-икки ярим ой муқаддам бир кечадан тунаб қайтган кўпгина «мижоз»ларга нисбатан қандай чора кўрилганлиги ҳалигача номаълум. Ваҳоланки, улар тез кунлар ичида жавоб беришлари шарт эди. Шундай бўлмагач, рўзнома орқали ичкиликбоз ва уларнинг иш жойларини эълон қилишни лозим топдик. Зора шундан сўнг тегишли раҳбарлар сал хушёр тортсалар.

Игорь Козлов — «Комфорт» ишлаб чиқариш бир-

лашмасининг ишчиси.

Валентин Лобин — Сирғали тумани 3-автокомбинат ҳайдовчиси.

Владимир Ильютчик — Тошкент бирлашган авиаотрядининг ходими.

Виктор Осипов — Сирғали бирлашган авиаотряди муҳандиси.

Владимир Сизов — Тошкент шаҳар 4-автобус паркиннинг ҳайдовчиси.

Виктор Воронов — Тошкент шаҳар 4-автобус паркиннинг ҳайдовчиси.

Ҳусан Аҳмаджонов — Сирғали тумани озиқ-овқат савдоси идорасининг ишчиси.

Турсунбой Сайиджонов — «Ўзбекистон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг оператори.

А. АЛИМЖОНОВ, Сирғали тумани ИИБга қарашли тиббий хушёрхона бошлиғи, милиция майори.



## ДОВЮРАКЛАР КЎРИГИ

Пойтахтдаги «Динамо» спорт комплексида ИИБ ходимлари фарзандларининг қўл жанги бўйича шаҳар биринчилиги бўлиб ўтди. Мусобақаларда ёшлар ва ўсмирлар иштирок этишди.

Улар бу кўриқда ўзларининг чаққонлигини, спортнинг бу турини қандай ўзлаштирилганликларини намойиш этишди. Ҳолиблар сафида 70 кг. вазни У. Холматов, А. Илҳомов (60 кг), А. Манжеловский (50 кг), А. Лигаи (55 кг), О. Даминов (35 кг) бор. Ай

ниқса, 34-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Озод Жарилқаганов оёқ билан зарба бериш техникасини яхши ўзлаштирилганлигини намойиш этди (60 кг).

Мусобақада иштирок этган кўпгина болаларга бу яхши имтиҳон бўлди.

Ҳабибулла ШОДИЕВ,  
«Поста»нинг махсус мухбири.  
СУРАТЛАРДА: Мусобақадан лавҳалар.  
Муаллиф олган суратлар.



## ЎЛИМ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Тошкент шаҳар Акмал Исрофов тумани ИИБ ходими, милиция капитани А. Қурбонбоев хизмати давомида бир неча марта ўлим билан юзма-юз келган. Илк бора 1986 йилда қамоқхонадан қочган ашаддий жиноятчини туттиш вақтида рўпара бўлган. Шу хизмати боис Тошкент шаҳрида биринчилардан бўлиб янги таъсис этилган «Аъло хизматлари учун» нишонига сазовор бўлган. Яхши, яқинда бўлиб ўтган яна бир шундай вазият ҳақида ҳикоя қилиб берай.

Наврўз арафаси. Байрам кайфиятида бўлган А. Қурбонбоев, милиция катта лейтенанти З. Қаюмов ва ишчилар бўлагининг аъзоси А. Фарофоновлар назоратдаги шубҳали шахсларни текшириш мақсадида йўлга чиқишди. 1963 йилда туғилган, икки марта судланган Муроднинг уйига боришганида, у ўртоғиникига кетган экан. Онасидан Андрейникига бошлаб бориши мумкинлигини айтди. Улар Андрейникига ташриф буюришганларида, замонавий мебеллар билан жиҳозланган хонада Андрей ва Мурод пул санаш билан машғул эдилар.

Милиция ходимларининг бемаврид ташрифидан газабланган Мурод қўлидаги пи

чоқ билан уларга ташланди. А. Қурбонбоевнинг чаққон ҳаракатига қарамай пичоқ қўлини енгил яралади. Ҳамкасблари ёрдамга келишди. Воқеани кузатиб турган Андрей пайтдан фойдаланиб ошхонадан болта кўтариб чиқди.

— Қўйиб юборинглар уни. Бўлмасам ҳаммангни чопиб ташлайман.

Ҳамманинг диққати унга қадалди. Шу вақт Мурод ташқарига қочди. А. Қурбонбоев огоҳлантирувчи ўқ узди. Ўқ овозига кириб келган қўшнилари Андрейнинг қўлидан болтани тортиб олдилар. Аммо қутурган жиноятчи ўзини-ўзин ўлдирмади, дебиша синиклари билан кўрагини тила бошлади. Милиция ходимлари бир оз ҳовуридан тушсин, дея ташқарига чиқдилар. Капитан З. Қаюмовга уйнинг орқасини кузатишни буюрди. Узи эшик олдида қолди. Пичоқ яланғочлаб чиққан Андрейнинг ёнида қаёқдандир Мурод қўлида темир билан пайдо бўлди. Улар бостириб кела бошладилар. Орқада девор. А. Қурбонбоев тўппонча тепкисини босди. Мурод йиқилди. Андрей эса тек туриб қолди...

Шовқиддин САМИЕВ.

## ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАДИ

Аввал балоғат ёшига етмаёқ ўғирлик қилиб, қамалиб чиққан Рамил Коммунистик туманидаги Янгибозор тез ёрдам кўрсатиш пункти ёнида укаси ким биландир қизишиб турганини кўри-ю, ўша ёққа юрди. Ўзиники ўзига, ой кўрнар кўзига, деганларидек укасига ёқинчирамаган Г. Йўлдошевга пичоқ урди.

Кўтарилган қий-чувдан ўзига келган Рамил пичоқни ташлади-ю, қочди. Шу қочганича бир йилу бир ой да-

раги ҳеч қаердан чиқмади. Қидирув эса давом этарди.

Ҳеч нарса жазосиз қолмас экан. Унинг эрта-кечи ҳам бўлмас экан. Р. Абсаломов қанчалик тақдир ҳукмидан қочмасин, барибир қора курсига ўтирди. Ҳукми ўқилди. Авайлаб олдиб қочиб асраган ҳаётининг 8 йили қамоқхонада ўтади энди. Аввалроқ асраш керак эди уни. Эссиз умр!

Б. ҚОСИМОВ,  
милиция майори.

## МУДИРАНИНГ АФСУСИ

Яқинда фуқаролардан ички ишлар бўлимига 9-аралаш моллар дўкони мудирн Зубайда Алимардонова устидан шикоят тушди. Дарҳол дўкон ва мудира уйи текширилди. Натжида ички ишлар бўлими ходимлари З. Алимардонованинг уйидан 102 дона шампун, 3128 пачка ҳинд чойи, 345 пачка грузия кўк чойи, 92 дона

лампочка, 59 шиша ароқ, 1115 дона сақич, 40 шиша «Кармен» одеколони топдилар. Собиқ мудира энди ўз қилмишига яраша жазосини олади.

Баҳриддин АЛИМҚУЛОВ,  
Яккабоғ тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция капитани.

## ЎТ БАЛОСИДАН САҚЛАСИН

Асосий мақсадга ўтишдан олдин вилоятимиз ҳудудда содир бўлаётган ёнгинлар туғрисида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Ўтган йили вилоятимизда 2 минг 371 марта турли кўринишдаги ўт кетиши юз берди. Натжида кўрилган зарар 1 миллион 319 минг сўмдан охиб кетди. Ёнгин оқибатида 13 инсон ҳаёт билан бевақт видолашди. 353 киши эса турли хил жароҳат олди.

Бу рақамлар шунинг кўрсатмоқдани, вилоят ҳудудда ҳар куни ўртача 6-7 марта кўнгилсиз ҳодиса содир бўлиб, улардан келаётган зиён қиймати 4 минг сўмдан охиб кетмоқда.

1991 йилнинг ўтган даври ичида ҳам фалокатлар сони камаймапти.

Нега шундай? Нима учун ўт кетишлар озаймапти? Чунки баъзи бир корхона ва ташкилот раҳбарлари томонидан ёнгиннинг олдини олиш муаммолари ўз вақтида бартараф қилинмаслиги, бу масалага совуққонлик билан қарашлари, ёнгин хавфсизлигининг олдини олиш ишларидан маблағни тежаб қолишидир. Шу билан бирга аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари ҳам қониқарли эмас.

Асосий сабаблардан яна бири ўт ўчириш қисмларидаги моддий-техник база за-

мон талабига мутлақо жавоб бермаслигидир. Сўзининг исботи учун баъзи мисолларни келтирмоқчиман. Вилоятимизда 15 туман бор. Уларнинг фақатгина 8 тасида махсус ўт ўчириш қисмлари ташкил қилинган, холос. Афсуски, мана шуларнинг 7 тасида эса ходимлар сони ҳам етарли эмас. Масалан, ўша туманда кўнгилсиз ҳодиса юз берди, дейлик. Оловнинг даҳшатли дамини қирқиб учун битта машинада 4-5 нафаргина ўт ўчирувчи жўнатилади. Бошқа иложи ҳам йўқ. Мабодо каттароқ ёнгин бўладиган бўлса, жуда қийин аҳволга тушиб қоламиз. Чунки ҳозирги битта машинадаги 4-5 кишининг қўлидан нима келарди. Бундан ташқари, Қувасой шаҳридаги истисно қилган ҳолда, қисмларимизда шахсий состав учун ҳеч қандай шароит йўқ. Сабаби улар жамоа ва давлат хўжаликларининг эски биноларига бир амаллаб жойлаштирилган. Айниқса, Охунбобоев, Олтиариқ, Бувайда туманларидаги аҳвол анча оғир. Ленинград туманида эса махсус ўт ўчириш қисми умуман йўқ. Мабодо бу ерда бирор фало-

кат бўлиб қолса, қўшни туманлардан ва Қўқон шаҳридан ўт ўчирувчилар чақирилади. Фарғона, Ўзбекистон, Фрунзе, Тошлоқ, Бағдод, Сўх туманларидаги ёнгинни хўжаликларо ўт ўчириш командаси бартараф қилади. Юқорида айтиб ўтилган хўжаликларо ўт ўчириш командалари 1979-1981 йилларда ташкил қилинган бўлиб, техника, ёнлиги ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш «Сельхозтехника» ташкилотларига, маблағ билан таъминлаш эса жамоа ва давлат хўжаликларига юклатилган.

Буларни эслатиб ўтишдан мақсад ушбу командалар 1985 йилга қадар тўла бўлмасида талабни қондирар эди, лекин ҳозирги кунга келиб, техника, жанговар кийим билан таъминлаш ва маош тўлаш масалалари ечилмай қоляпти.

Вилоятимиздаги йирик-йирик ташкилотларда тузилган ўт ўчириш қисмлари ҳам ташкилот раҳбарларининг кейинги йилларга шартнома тузишдан бош тортишлари оқибатида тарқатиб юборилган. Буларга мисол қилиб, 1990 йилнинг охири-

да тарқатиб юборилган Тошлоқ нотўқима фабрикаси, Бағдод пойафзал фабрикаси, Фарғона тўқимачилик фабрикасининг қўриқловчи қисмларини олиш мумкин.

Ходимларимиз томонидан моддий-техника базасини яхшилаш соҳасида бир талай ишлар амалга ошириляпти. Шулар жумласидан, 1990 йил Қува шаҳри ёнгиндан сақлаш қисми учун махсус бино қурилиши бошланиб, ҳозирги кунда давом эттирилмоқда.

Бу йил эса Фарғона ва Қўқон шаҳарларида, Қирғули, Фарғона, Ленинград туманларида ҳамда Фарғона тумани Шохимардон қишлоғида қурилиш ишларини бошлаш ниятидамыз. Шу билан бир қаторда Охунбобоев, Бувайда, Фрунзе, Езёвон туманлари икрония қўмиталари томонидан қурилиш учун ер ажратилди.

Ўтган йили 7 махсус ўт ўчириш машинаси сотиб олинди, қисмларга берилди. Бизга кўрсатилган бу ёрдамлар учун пайтдан фойдаланиб, вилоят ва туман икрония қўмиталари раҳбарларига ўз миннатдорчилиги-

мизни билдирамыз.

1990 йилнинг IV чорағида жумҳурият ИИБ ёнгиндан сақлаш бошқармаси томонидан ажратилган 39 минг сўм пул билан Езёвон ва Киров туманларида, Қувасой шаҳрида биноларни таъмирлади, натжида керакли шароитлар яратилди.

Бизнинг олдимизда яна бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларни бартараф этишга жумҳурият ёнгиндан сақлаш бошқармаси томонидан ёрдам кўрсатилиб, Охунбобоев, Олтиариқ, Бувайда, Киров, Риштон, Қува ва Езёвон туманларида ўт ўчириш қисмлари ходимлари сони 52 тага етказилса, шунингдек, Ленинград туманида янги қисм ташкил қилинса, бунинг учун бизга 223 ходим қўшимча берилса, кўнгилдагидек бўларди.

Фарғона, Тошлоқ, Сўх, Бағдод, Ўзбекистон, Фрунзе туманларида ташкил қилинган хўжаликларо ўт ўчириш командалари бекор қилиниб, уларнинг ўрнига махсус қисмлар ташкил этилса, ишимизнинг самараси анча ошади. Ва ўт кетишларининг олдини олиш яхшиланиб, фалокатлар сони камайарди.

Х. АЛАУДИНОВ,  
Фарғона вилояти ИИБ ёнгиндан сақлаш бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковниги.

# Шанба учрашувлари

## ҲАҚИҚАТ ҚАДДИНИ РОСТЛАМОҚДА

Ассалому алайкум, хурматли «Постда» муҳарририяти!

Мен ички ишлар идораларида 1976 йилдан буён хизмат қиламан. Бу орада ТошДД журналистика куллитининг кечки бўлимида таҳсил кўрдим. Шунинг учун ҳар сафар «Постда» рўзномасини кўлимга олганимда, аввало журналист сифатида кўз югуртириб чиқаман ва ўзгача қизиқиш билан ўқиб бораман. Рўзномага ихлосим баланд.

Шу йил 23 март соннда чоп этилган Муҳаббат Иброҳимованинг «Кузгунларни енгган ирода» мақоласини ўқиб, ниҳоятда таъсирландим. Гдлянчилар қонун ниқоби остида ўзбошимчалик қилишган пайда кўплаб софдил кишиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари аёвсиз топталгани эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Шукрлар бўлсинки, ҳақиқат эгилган қаддини ростламоқда. Энг муҳими, охири бахайр бўлаяпти.

«Постда»нинг жонкуяр ходимлари! Сизларга эса эл-юрт осойишталиги, ташвиши билан яшаётган дўстларимизга маънавий ёрдам курсатишда ижодий камолот тилайман.

Юқоридаги мақолани ўқигач ва фидойи ҳамкасбларимизнинг ҳозирги мураккаб шароитда амалга ошираётган савобли ишларини кўргач, қалбимда туғён урган ҳиссиётни сатрларга кўчиришга ҳаракат қилдим.

## ОЗОДЛИКДАН НОҲАҚ МАҲРУМ БЎЛГАНЛАР

Эй, Сиз, озодликда мағрур юрганлар,  
Мансабни бахт билиб, масрур юрганлар,  
Эй, Сиз, ноинсофлар — манфур юрганлар,  
«Ўзбеклар иши» деб ёйдингиз «довруғ».

Ойнинг ўн беши зулмат, ўн беши эса ёруғ,  
Адолатга ишонч дилда мўл энди,  
Ошкоралик, ахир, дадил бўл энди,  
Озодликдан ноҳақ маҳрум бўлганлар.

Ҳалол билан ҳаром дуч келган чоғда,  
Нопоклар бўлдилар баъзан ардоғда,  
Рухи поклар қолди қийноқ-сўроқда,  
Қонунни от қилиб чопган кимсалар,  
То ҳануз дилимга ташвишлар солар.

Адолат ялови кимларда энди!  
Жиноят жилови кимларда энди!  
Озодликдан ноҳақ маҳрум бўлганлар,  
Тақдирлар гўё куз баргидек ҳазон,

Қадру қиммат пулга ўлчанди арзон,  
Не зотлар ҳақ излаб ўтдилар сарсон...  
Эй, қонунфурушлар, айтингиз дастлаб:  
Қайларга қочдингиз жуфтанин ростлаб!

Бу ҳам адолатнинг нишонин энди,  
Қутлуғ ўзгаришга ишонинг энди,  
Озодликдан ноҳақ маҳрум бўлганлар.  
Не сўрамоқ жоиз мунофиқ ёвдан,  
Ҳақ олдида ожиз, бетовфиқ ёвдан  
[Ҳадисирар ўзи ёққан оловдан...]  
Эл кўнглида исён уйғонган заҳот,  
Қонунни қўғирчоқ билдилар наҳот!  
Ҳақ сўзга сўғмасми ҳаддингиз энди,  
Эгилманг, тик тутинг қаддингиз энди,  
Озодликдан ноҳақ маҳрум бўлганлар!

Ҳайитмуҳаммад МҲИДИНОВ,  
милиция сержанти,  
Сариосиё тумани.

## СЕНИ ТИНГЛАБ

О, Муножот...  
Дилоромсан, қалбимсан ўзинг,  
Гоҳда гамини этасан раво,  
Гоҳ қувончим кўзлайди кўзинг,  
Сени дейман дардимга даво.

Тинглар гўё завоқ олиб қуёш,  
Булбул жимдир сени десалар,  
Сени тинглаб эгадилар бош,  
Хомуш тортиб, ёшу кескалар.

Мунча юкинг бўлмаса оғир,  
Ҳар оҳангда нола, дард-алам.  
Миллат юзи заъфарон-захил,  
Езолмасдан синади қалам.

Чал, созанда, тўхтамайин чал,  
Чал, ўзбегим оҳи-зорини.  
Чал, маст қилсин тўлқини ҳар гал  
Муножотнинг талабгорини.

О, Муножот...  
Эргаш ТУРДИҚУЛОВ,  
Қўрғонтепа тумани ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги.

## Умрнинг файзсиз сўқмоқлари

У гандираклар-гандираклар аранг уйига етиб келди. Деразалар қоп-қоронғу, афтидан ухлаб қолишган бўлса керак. «Хотин одамнинг фаросати кам бўладида, товуқ кўноғига чиқмасдан уйкуга кетибди!» Жаҳл билан эшикни тепди, лекин ичкаридан тик этган товуш эшитилмади.

— Норқия! Ҳой, Норқия! Нима бало, ўлиб қолганмисан?

иши йўқ, билганингни қилаверасан.

Кечга бориб, кайфи тарқади. Бироқ ҳамон калласи ўзига оғирлик қилаётгандек эди.

У нима бўлганини ўзини ўзи мажбур қилиб бўлсада, эслашга тиришди. Ҳа, аввал унга ва умр йўлдошига, бири-биридан ширин икки нафар ўғилчасига ҳамма ҳавас қиларди. Ҳа, ўзи? Пешонасига шундай меҳрибон-мушфиқ аёл битгани учун тақдирга шукроналар ўқирди. Ишхонасида ҳам обрў-эътибори чаккамасди. Лекин неч тушди деғуяча уйига шошилди.

— Чарчамай келдингизми, адаси?

Норқиянинг ана шу сўзи-ю, ширин табассуми, болаларининг ачомлаб олишлари унинг барча чарчоқларини ёзиб юборарди.

Бир куни нима бўлди-ю, ҳамкасби Салим билан бир зиёфатда бирга ўтириб қолди. Салим деганлари тилғ-ламаликда тулқига панд берарди. Алдаб-алдаб икки пиёла ичирди. Сархушликда иккови бир умрга дўст тулди.

— Менга қара, дўстим, — деди Салим сеиллашга ўтиб. — Худоба шукур, оиладан икковимизнинг ҳам омадимиз чопган. Лекин сен уйингдан ташқарига чиқмайсан. Ҳаёт-

да бола-чақанинг ҳам, хотинининг ҳам ва айни пайтда, диққат билан кулоқ сол, дўстининг ҳам ўз ўрни бор.

— Сўзларинг ҳақ, — тан олди меҳри товланиб кетган йигит. — Дўст ачитиб гапирди. Раҳмат сенга.

Шу-шу у «дўсти» билан ишдан кейин қиттай-қиттай ичиб, кейин уйига кетишни одат қилиб олди. Бора-бора оёқлар чалишиб, тиллар чулдиралунча ичадиган бўлишди.

Ҳамон ёдида. Кунлардан бирида дўсти билан роса шакарғуфторлик қилишди. Кейин бир-бирининг елкасидан қучиб, йўлга чиқашди. Кўп юрмасдан уларни милиция ходимлари тўхтатишди. «Дўсти» қайқадир ғойиб бўлди. Уни эса хушёрхонага олиб кетишди.

Орадан икки кун ўтгач, меҳнат жамоаси йнғилишида унинг спиртли ичмалikka ружу қўйганлигини муҳокама қилишди. Ушанда «дўсти» дўст ачитиб гапирди, деганларидек, роса танқид қилди.

Шу воқеа сабаб бўлиб, у «дўсти»дан воз кечди, лекин ичкиликка бўлган мойкиликдан воз кеча олмади.

— Адаси, нега ичасиз? — деди бир куни Норқия. — Қаранг, болаларингиз ҳам сиздан бегонасираб қолишяпти. Бу гап йигитнинг аъзойибаданини тешиб ўтгандек бўлди.



СИЗ БУНИ ҚАНДАЙ ИЗОҲЛАЙСИЗ?  
С. БОБОЕВ олган сурат.

## УКИНГ, ҚИЗИҚ! ЭНГ ПАСТ БЎЙЛИ ОДАМЛАР

Ер юзида яшовчи энг паст бўйли одамлар — пигмейлардир. Эркакларининг бўйи 140 сантиметрдан ошмайди, аёллари бўлса улардан ҳам паст. Пигмейлар Африканинг Экватор қисмидаги ўрмонзорларда, Конго дарёси ҳавзаларида ва Итури дарёси қирғоқларида яшашади. [Ўзбекча «календарь»дан].

## ХОРИЖИЙ ХАНДАЛАР


Бир аёл эрига деди:  
— Кулоқ сол, Жон, миямга жуда ажойиб фикр келди.  
— Қандай фикр экан! Тезроқ айтчи...  
— Эзи дам олишни денгиз бўйида ўтказасан.  
— Бунинг ҳечам иложи йўқ.  
— Нега энди!  
— Ахир, мен қарзларимни қандай тўлашни ўйлашам керак.  
— Шунинг учун ҳам кетайлик деяпманда. Денгиз бўйида тинчгина ўйлайверасан.

Еш келин-куёвниги дўстлари меҳмонга келишди. Меҳмонлар меҳмонларга уйлари кўрсатиб, хоналардан бирининг эшигини очиб дейишди:  
— Бу мусиқа тинглайдиган хонамиз.  
— Бу хонада на пианино, на бошқа чолғу асбоби кўринади-ку!  
Меҳмонлар тушунтиришди:  
— Бу хонада биз қўшимизнинг радиосини ўзимизникидек эшитамиз.

## «НИШОН»

Яқинда бўлимимиз ходимлари ўқ отиш бўйича синов топширишди. Уч нафар ходим тасодифан битта нишонни мўлжалга олишиб, 6 мартадан ўқ узишди. Синовни ўтказётган офицер ҳисоблаб чиқиб, ҳаммаси бир хил очко жамғаришганини ва қониқарсиз баҳо олишганини айтди.

У қандай ҳисоблаб чиқди!



Тўзувчи Элшод РАҲМАТОВ.

Муҳаррир  
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатия кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаханаси 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир,  
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,  
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» —  
(«НА ПОСТУ»)  
Орган коллегияси МВД  
ЎзССР